

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ ВА НАТИЖАЛАРИ

Носирова Диловар

*Денов тадбиркорлик ва педагогика
институтини мустақил тадқиқотчиси*
<https://orcid.org/0009-0002-0699-2312>

UDK: 94(575.1

Аннотация: Ушбу мақолада мустақиллик йилларида Сурхон вилояти аёллари томонидан амалга оширилаётган ишбилармонлик ҳаракатлари ҳамда тадбиркор аёлларга яратиб берилган шароитлар ҳамда унинг натижалари юзасидан бирламчи манбаларга таянган ҳолда ёритилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, аёллар, ишбилармонлик, мулкчилик шакллари, бизнес, оила, ишсизлик, бандлик, даромад.

Аннотация: В данной статье освещены предпринимательские инициативы женщин Сурхонской области в годы независимости, условия, созданные для женщин-предпринимателей, а также их результаты на основе первоисточников.

Ключевые слова: предпринимательство, женщины, деловая активность, формы собственности, бизнес, семья, безработица, занятость, доход.

Abstract: This article highlights the entrepreneurial initiatives of women in the Surkhan region during the years of independence, the conditions created for women entrepreneurs, and their outcomes, based on primary sources.

Keywords: entrepreneurship, women, business activity, forms of ownership, business, family, unemployment, employment, income.

КИРИШ (ВВЕДЕНИЕ / INTRODUCTION).

Мустақиллик йилларидан буён Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш ва ижтимоий соҳадаги ислохотлар ҳар томонлама ривожлантирилди. Айниқса, хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, Меҳнат кодекси ҳамда қатор

қонун ва қарорлар, шу жумладан “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун ва Президент қарорлари хотин-қизларнинг иқтисодий ва ижтимоий фаоллигини таъминлашда муҳим асос бўлди.

Мустақиллик йилларида республикада “Тадбиркор аёллар” уюшмасининг ташкил этилиши ва унинг вилоятларда филиаллари очилиши, шу жумладан Сурхондарёда 1995 йилда ташкил этилган вилоят “Тадбиркор аёл” уюшмаси аёлларни тадбиркорликка кенг жалб қилишда муҳим роль ўйнади. Тадбиркор аёлларнинг сони йилдан-йилга ортиб бориши, уларнинг иқтисодиётнинг турли тармоқларида, айниқса кичик ва ўрта бизнесда фаоллигини ошириши мустақил Ўзбекистонда хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг самараси сифатида кўрилади.

МУҲОКАМА (ОБСУЖДЕНИЕ / DISCUSSION). Мустақиллик йилларида қабул қилинган қарор ва қонунлар, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди[1]. Хусусан, республика хотин-қизларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига оид қонун ҳужжатларининг барчаси, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, Меҳнат кодекси, 1993 йил 6 май куни қабул қилинган “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги “Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” ги[2], 1995 йил 26 июлдаги “Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-

қувватлаш фонди (Бизнес фонд) ни ташкил этиш ҳамда унинг фаолият масалалари тўғрисида” ги, 1995 йил 28 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат дастури тўғрисида” ги, Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги, 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари, бутун мамлакатда бўлгани сингари Сурхондарё вилояти ҳудудида тадбиркорликни, жумладан, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожланишига кенг имкониятлар очиб берди[3].

Тадбиркор аёлларни ўзида жамлаган ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган республика “Тадбиркор аёллар” уюшмаси 1991 йил 4 январда ташкил топди. Шунингдек мазкур уюшма фаолиятини такомиллаштириш ҳамда тадбиркор аёллар сафини кенгайтириш мақсадида вилоятларда ҳам филиаллар ташкил этилди.

Хусусан, Сурхондарё вилоят “Тадбиркор аёл” уюшмаси 1995 йилда ташкил этилиб, натижада жами 5481 нафар аёлларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиш имконияти яратилди. Вилоятда ташкил этилган “Тадбиркор аёл” уюшмасига дастлаб Зумрад Ҳайитова раҳбар қилиб тайинланди[4]. Зумрад Ҳайитова Сурхондарё вилоятидаги биринчи тадбиркор аёллардан бири саналиб, вилоят ҳудудида дастлабки акционерлик жамияти ташкил қилди ҳамда унинг фаолиятини такомиллаштирди[5]. У 1993 йилда “Қумқўрғон савдо” ташкилотини ҳиссadorлик жамиятига айлантирди ҳамда устав фондига мувофиқ 518 минг сўмлик акция чиқарди[6].

1995-1996 йилларда республика миқёсида олиб қаралганда тадбиркор аёллар сонининг йил ҳисобига ўсиши Навоий вилояти бўйича 438 нафардан 516 нафарга,

Жиззах вилоятида 144 нафардан 192 нафарга етган бўлса, Сурхондарё вилоятида эса 145 нафардан 178 нафарга кўпайганлигини кўриб ўтишимиз мумкин[7]. Вилоятда 1995 йилнинг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб аёлларнинг бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш соҳаларидаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор берилди.

Шунингдек, вилоятда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди (бизнес фонд) 1995 йил ноябрь ва 1996 йил II чораги давомида тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, асосан, маиший хизмат ишларини ривожлантириш, тикув-бичув цехларини ташкил этиш, қандолат ва ширинликларни тайёрлаш цехларини ишга тушириш, жамоат овқатланиш пунктларининг очилишига қаратилиб 10 нафар тадбиркор аёлларга 5100 минг сўм кредит пуллари ажратилди ва улар мақсадли йўналтирилди[8].

Вилоят кичик бизнес субъектларидан ташқари иқтисодиёт билан банд бўлган аёллар сони йилдан-йилга ортиб борди. Жумладан, 2002 йилда иқтисодиётнинг турли тармоқларида банд бўлган аёл ишчи ва хизматчиларнинг ўртача сони 116,4 минг кишини ташкил этган бўлиб, тармоқдаги умумий ишчиларнинг 39,3 фоизини ташкил этди. Шундан, бу кўрсаткич 2010 йилда 78,4 минг, яъни 46,6 % ни ташкил қилди[9].

Шунингдек, 2002 йилда фаолият юритаётган 12000 дан ошиқ тадбиркорларнинг 5011 нафарини эса хотин-қизлар ташкил этди[10]. 2007 йилда эса иқтисодиётда банд бўлган аёллар сони 77,8 минг кишини ташкил этган бўлиб, аёлларнинг иқтисодиётдаги ўрни 48,3 % ни ташкил этди. Вилоятда 2007 йилдан Микрокредитлаш тизимининг такомиллашиб бориши натижасида хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида, айниқса, кичик ва ўрта бизнесда аёллар сони ортиб борди. 2018 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, Сурхондарё вилоятида 1053 та тадбиркор аёллар фаолият олиб борди[11]. Уларга шу йилда 9 миллиард 224 миллион

сўм маблағ ажратилди. Шу даврда тадбиркор аёлларга хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини олиб бориш учун имкониятлар яратиб берилди. Уларнинг фаолиятини кенгайтириш мақсадида чет эл кредит линияларидан 26 миллиарддан ортиқ маблағ жалб этилди [12].

Тадбиркор аёлларга ишлаб чиқариш соҳасида ҳам кенг имкониятлар яратилди. Шундай имкониятлардан унумли фойдаланган ёш тадбиркор аёллардан бири Қизларсора Худойберганавадир. Қизларсора Худойберганава Термиз туманининг “Учқизил” кўрғонида “Дурдона текстиль” корхонасини ташкил этди. Тадбиркор аёл ўз сармояси ва банкдан олинган 34 миллион сўм кредит эвазига 20 та замонавий тикув машинаси сотиб олди. Шунини алоҳида айтиб ўтиш лозимки, тадбиркор аёл 18 нафар ёшларни доимий иш ўрни билан таъминлади.

Сурхондарё вилоятида тадбиркор аёллар сони йилдан-йилга ортиб бориб, 2020 йилга келиб 7972 нафарга ортди. Вилоятда фаолият олиб бораётган тадбиркор аёлларни икки гуруҳга ажратиш мумкин, биринчи гуруҳга йирик тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи аёллар, иккинчи гуруҳга эса кичик бизнес билан банд хотин-қизларни киритишимиз мумкин. Хусусан биринчи гуруҳда 625 нафар йирик тадбиркорлик билан банд аёллар бўлиб, улар Бандихон туманида 3 нафарни, Бойсун 35, Денов 278, Жаркўрғон 3, Қизирик 3, Олтинсой 150, Қумқўрғон 105, Термиз

шаҳрида 6 ва Шўрчи туманида 12 нафарни ташкил қилди. Вилоятда кичик тадбиркорлик билан банд хотин-қизлар ҳам мавжуд бўлиб улар ишлаб чиқариш тармоқларининг турли бўғинларида фаолият олиб борди. Кичик бизнесда фаолият олиб бораётган аёллар 6112 нафарни ташкил этди. Кичик бизнесда фаолият олиб бораётган хотин-қизлар сони Музработ туманида 1719 нафарни ташкил этиб, бу кўрсаткич бошқа туманларга нисбатан анча салмоқли бўлиб кичик тадбиркорлик билан шуғулланувчи аёллар Олтинсой туманида 211, Шеробод 598, Бойсун 99, Бандихон 25 ва Шўрчи туманида 550 нафарни ташкил этди [13].

Сурхондарё вилоятида 2020 йилга келиб кичик ва йирик бизнес билан банд бўлган тадбиркор аёллар сони 7972 нафарни ташкил этиб, вилоят иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшишди.

ХУЛОСА (ЗАКЛЮЧЕНИЕ / CONCLUSION). Хулоса қилиб айтганда, хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда, аёлларнинг мазкур соҳада бандлигини оширишда республикада етарлича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳаларида хотин-қизларнинг фаоллигини таъминлаш билан бир қаторда, уларда ҳуқуқий билим ва кўникмаларни шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб вилоятда “Бизнес курслар” ташкил этилди.

АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТРАТУРА / REFERENCES):

1. Н.Толибоева. Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги омиллари. //Жамият ва бошқарув. 2010. №3. - Б. 117.
2. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 1091-фонд, 1-рўйхат, 465-йиғма жилд, 35-варақ.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари.
4. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 1091-фонд, 1-рўйхат, 465-йиғма жилд, 42-варақ
5. Турсунов С.Н., Эшбоев Қ.П., Тўхтаев А.Қ., Хўжаназаров А.З. Қумқўрғон тарихидан лавҳалар. “Янги нашр”. - Тошкент. 2019. - Б. 286-287.
6. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 1091-фонд, 1-рўйхат, 465-йиғма жилд, 40-варақ.
7. ЎЗМА. М-37 фонд. 1 рўйхат, 2559 йиғма жилд, 133 варақ.
8. Сурхондарё вилояти давлат архиви. 1091-фонд, 1-рўйхат, 465-йиғма жилд, 103-варақ.

9. Сурхондарё Вилоят Статистика бошқармаси. Иқтисодиётда банд бўлган аёл ишчи ва хизматчиларнинг ўртача сони (кичик бизнес субъектларидан ташқари). - Термиз. 2011 йил. - Б. 57.
10. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 143-фонд, 13-рўйхат, 207-йиғма жилд, 27-варақ.
11. Сурхондарё вилояти хотин-қизлар қўмитасининг 2018 йиги ҳисоботи
12. Сурхондарё вилоят Марказий банк жорий архиви.Тижорат банклари томонидан тадбиркор аёлларга жалб қилинган маблағлар тўғрисида 2018 йил 1 сентябр ҳолати.
13. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармасининг жорий архиви. 2020 йил ҳисоботи.